

Ҳалол ризқ топиш фарздир



12:00 / 03.07.2019 5525

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мўмин-муслмон бандаларини ҳалол ризқ ейишга қайта-қайта амр қилгандир. У Зот бу ишга алоҳида аҳамият берган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

إِنَّهُ الشَّيْطَانِ خُطَوَاتٍ تَتَّبِعُوا وَلَا طَيْبًا حَلَالًا الْأَرْضِ فِي مِمَّا كَلُوا النَّاسُ يَتَأَيُّهَا

مُبِينٌ عَدُوْلَكُمْ ١٦٨

«Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ва шайтоннинг изидан эргашманглар, чунки у сизларга очиқ-ойдин душмандир» (168-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло фақат мўминларни эмас, балки барча одамларни ҳалол-пок нарсаларни ейишга даъват қиляпти. Аллоҳ таоло ер юзидаги бандалари учун яратган ноз-неъматларининг ҳалол-покларидан ейишга умумий рухсат бермоқда. Ҳалол-пок неъматларни номма-ном санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, улар кўп. Ҳаром, нопок нарсалар жуда ҳам оз, кези келганда, улар санаб ўтилади.

«Ҳалол» сўзи луғатда «ечилган» деган маънони билдиради. Чунки ҳалол нарсдан ман қилиш тугуни ечилган бўлади. Ислом динида ейиладиган нарсанинг ҳалол бўлишига катта аҳамият берилади. Жумладан, ушбу оятда ҳам бу нарса алоҳида таъкидланмоқда.

Ўтган аҳли солиҳларимиздан Саҳл ибн Абдуллоҳ:

«Нажот уч нарсада - ҳалол ейиш, фарзларни адо этиш ва Набий алайҳиссаломга эргашишдадир», деганлар.

Ояти каримада шайтоннинг изидан эргашиш ҳалол-пок ризқларни ейишга зид қилиб қўйилмоқда. Яъни бу «Шайтоннинг йўлида юрганларгина ҳалол-пок емайдилар», деганидир. Шайтон инсонларга ҳалол едирмаслик билан уларни Аллоҳнинг итоатидан чиқаради. Шайтоннинг етовига тушиб қолган нодон инсон эса ҳалол-ҳаромни фарқламай, нақадар улкан гуноҳ қилаётганини ўзи билмайди, ҳатто ҳис этмайдиган даражага тушади. Унга ҳаромни емасликни насиҳат қилсангиз, «Есам нима бўпти?» дейди. Мана шу ҳоли унинг шайтон етовидида эканига далилдир.

Аллоҳ таоло Моида сурасида марҳамат қилади:

﴿مُؤْمِنُونَ بِهِ، أَنْتُمْ الَّذِينَ اللَّهُ وَأَتَّقُوا طَيِّبًا حَلَالًا اللَّهُ رَزَقَكُمْ مِمَّا وَكُلُوا﴾

«Ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳга тақво қилинг» (88-оят).

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

رَحِيمٌ غَفُورٌ اللَّهُ إِيَّاكَ اللَّهُ وَاتَّقُوا طَيْبًا حَلَالًا غَنِمْتُمْ مِمَّا فُكُلُوا ﴿٦٩﴾

«Бас, ўлжага олган нарсаларингиздан ҳалол-пок ҳолда енглар. Аллоҳга тақво қилинглар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (69-оят).

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

إِيَّاهُ كُنْتُمْ إِنْ اللَّهُ نِعْمَتَ وَأَشْكُرُوا طَيْبًا حَلَالًا اللَّهُ رَزَقَكُمْ مِمَّا فُكُلُوا

تَعْبُدُونَ ﴿١١٤﴾

«Бас, Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолда енглар. Ва агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шукр қилинглар» (114-оят).

Ушбу келтирилган ва улардан бошқа оятлар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида бизнинг динимизда ҳар бир мўмин бандага фақатгина ҳалол ризқ топиш фарз қилингандир. Мўмин-мусулмонларга ҳалолга имкон бўла туриб, ҳаромга қўл уриш мутлақо мумкин эмас.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан